



Innovative Academy
Research Support Center



ZAMONAVIY DUNYODA INNOVATION TADQIQOTLAR: NAZARIYA VA AMALIYOT



RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI

OpenAIRE



zenodo



INTERNET
ARCHIVE

OPEN  ACCESS



**«INNOVATIVE ACADEMY» ILMIY TADQIQOTLARNI
QO'LLAB-QUVVATLASH MARKAZI**

**«ZAMONAVIY DUNYODA INNOVATSION TADQIQOTLAR:
NAZARIYA VA AMALIYOT»NOMLI 2023 YIL №15-SONLI ILMIY,
MASOFAVIY, ONLAYN KONFERENSIYASI**

**ILMIY-ONLAYN KONFERENSIYA TO'PLAMI
СБОРНИК НАУЧНЫХ-ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЙ
SCIENTIFIC-ONLINE CONFERENCE COLLECTION**

OpenAIRE



zenodo



in-academy.uz

XX АСРНИНГ II ЯРМИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИДА ЙЎЛ ҚУРИЛИШИНING АҲАМИЯТИ

Саидусманов Бахром Абдуганиевич

ЧДПУ Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

Email: baxrom.said@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7866608>

Аннотация: Маълумки, Тошкент вилоятида 1945-1990 йиллар оралиғида автомобилларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида янги йўллар қуриш, эски йўлларни таъмирлаш ва асфальтлаш, шунингдек, кўприклар қуриш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Натижада, Тошкент вилоятида автомобиль йўллари қурилиши йилдан-йилга ошиб, мавжуд йўлларнинг сифати яхшиланиб борди. Ушбу мақолада вилоятнинг транспорт тизимидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзи: Автомобиль транспорти, Автомобиль йўллари, янги йўллар қуриш, Автокорхоналар, юк автокорхоналари, юк ташиш, халқ хўжалиги, саноат корхоналари ва ҳк.

Тошкент вилояти ҳудудларида йўл қурилиши соҳасида амалга оширилган ишлар халқ хўжалигининг ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши ҳамда иқтисодий тараққиётнинг ўсишига олиб келди. XX аср давомида йўл қурилиши соҳасида катта натижаларга эришилган бўлса-да, Совет ҳокимияти даврида чекка ўлкаларга эътибор кам бўлиб, қишлоқ ва шаҳар йўлларини замонавий технологияга асосланиб қуриш, жиҳозлаш, таъмирлаш ишлари учун маблағлар ўз вақтида ажратилмади. Фақат Марказ манфаатларига хизмат қилувчи саноат корхоналари ва пахта хом-ашёси жойлашган ҳудудларда йўл қурилишига эътибор берилиб, ушбу ишлар ҳам сифатли бажарилмади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва янги йўллар қуриш тадбирлари ишлаб чиқдилар. Чунончи, колхоз ва колхозлараро йўллар шу хўжаликлар бўлинмас фондлари ҳисобига қуриш мақсадга мувофиқ эканлиги белгиланди. СССР Давлат план комиссияси халқ хўжалик планида 1959 йилдан бошлаб Ўзбекистон республикасига йўллар қурилишига ускуналар, ёғоч, цемент, кўприклар учун материаллар ажратадиган бўлди. 1959 йилда узунлиги 248 километр бўлган Тошкент –Ангрен-Қўқон автомобил йўли қурилиб бўлди. Бу йўл Қурама тизма тоғини денгиз стаҳидан 1170 километр баландликда кесиб ўтади. Бу йўлнинг Тошкент шаҳри, Олмалиқ-Ангрен кон саноати, чунки Тошкент билан Фарғона водийси ўртасидаги масофа темир йўл бўйича 342 километр бўлс, бу автомобиль йўли бўйича 210 километр. Темир йўл орқали ташилган юк ташилган Тошкентдан Фарғона водийсигача 40-50 соатда ташилса, бу йўлда ташиш учун 10 - 12 соат етарли.[1]

Социалистик жамиятни моддий техник базасини вужудга келтириш ишида автомобил транспорти ва тош йўллар тараққиётининг хусусияти ўсиш суръатларининг тезлашишига хизмат кўрсатишидадир. Масалан, республикада қаттиқ қобиқли йўллар узунлиги 1940 йилдан то 1958 йилгача 4,7 минг километрдан 8,1 минг километргача пасайган бўлса, 7 йил ичида 6 минг километр янги йўл қурилди ва 1965 йилга келиб бундай йўллар узунлиги 14,1 минг километрга етди.

Йўл қурилишидаги асосий хусусият колхозлар, районлараро, район билан область марказларини ва темир йўл станциялари бирлштирувчи йўллар тубдан реконструкция қилиниб, уларни автомобил қатновини йўл бўйи таъминловчи йўлларга айлантириши. 1970 йилгача республика автомобил транспорти тош йўллари янада тараққий этади.

Йўл тармоқларини реконструкция қилишда ҳам катта ишлар қилинди. Қаттиқ қопламали йўллар 1979 йилга келиб. 770 минг км ни ташкил қилди. Бу 1960 йилга нисбатан 499 км кўп демакдир. Бу йўлларнинг 370,0 минг км такомиллаштирилган қопламали йўллардир. Кўпчилик автомобиль йўллари узоқ жойларда ва янги ўзлаштирилган райионларда қурилди. Урушдан кейинги йилларда мамлакатимиз автомобилсозлигида мавжуд бўлган муҳим камчиликларга барҳам бериш йўлида катта ишлар қилинди.[2]

Катта Ўзбек тракти ва бошқа бир қанча республика ва вилоят аҳамиятидаги катта йўллар шағал йўлдан қорамойли шағал йўлига айлантирилди. Угом дарёси устидан 1960-1962 йилда кўприк қурилиб, бу кўприкнинг таянчлари реконструкция металл қувурларидан, балкалари иккитаврли балкалардан, ўтиш жойи ёғочдан қурилди. Чирчиқ ва Чинозда йўл қурилишига янгидан-янги маблағларнинг ажратилиши давлат ҳисобидан кўприклар, йўллар қурилиши ҳамда қайта таъмирлаш ишлари такомиллашиб боришига олиб келди.

Совет ҳокимияти йилларида йўл қурилиши учун ажратилган маблағларнинг 20 фоизи давлат ҳисобига, 21 фоизи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони бўйича ажратилган маблағ ҳисобига, автотранспортни ишлатишдан келадиган фойданинг 2 фоизи чегириб қолиш ҳисобига, колхозларнинг бўлинмас фондидан 29 фоиз, йўл қурилишига алоқадор бўлган вазирликлар ва бошқармалар ҳисобидан 30 фоизи тўғри келди. Йўл қурилишида ички имкониятлардан унумли фойдаланиш натижасида Тошкент вилоятида йўлсизликни тугатиш ишлари анча яхшиланди.

Катта Ўзбек трактини қора-шағал йўлига айлантириш ишлари 1956 йилда бошланиб, 1966 йилда тугалланди. Олмалик, Оҳангарон йўли 1960 йилда, Сирдарё чегарасига бўлган йўллар 1964 йилда қора-шағал йўлига айлантирилди. Шу тариқа, Ўзбекистон халқ хўжалигида автотранспорт тармоқларининг ўрни ва аҳамияти ошиб борди. Транспортга хизмат кўрсатиш тармоқлари эса янги имкониятларга эга бўлди.[3]

Автомобиль транспорти билан халқ хўжалиги юklarини ташиш кескин кўпайди. Сурхондарё вилоятида автомобил транспорти билан юк ташиш 1953 йил 2,1, 1958 йилда 8,1, 1960 йил 16,0, 1963 йилда 23,5 миллион тоннани ташкил этди.[4]

Шуни таъкидлаш керакки, Совет ҳукумати Ўзбекистонда, жумладан, жанубий ҳудудларга йўл қурилиши учун зарур маблағларни ўз вақтида етказиб бермаганлиги туфайли 1966 йилда йўлсизликни тугатиш ниҳоясига етмади. Тоғолди ҳамда тоғли жойларда йўл қурилиши талаб даражасида бўлмади. Янги ўзлаштирилган ерларда пайдо бўлган аҳоли манзилгоҳларини йўл билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор берилмади. Тошкент вилоятида йўлсизликни тугатиш ҳамда тоғли ҳудудлардаги аҳоли манзилгоҳларини қора-шағал қопламали бўлган автомобиль йўллар билан таъминлаш, йўловчи ва юк ташийдиган транспорт воситалари учун мустаҳкам таянчли йўл тармоқларини ҳосил қилиш масаласида жиддий лойиҳалар ишлаб чиқилмади.

Соҳада юзага келган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун республика ҳукумати зарур бўлган барча чораларни кўрди. 1968 йилда вилоят йўл қурувчилари томонидан 101 км янги йўл қурилиб, 361 км йўл капитал ва ўрта даражада таъмирланди. 1970 йилга келиб, Тошкент шаҳридаги Автомобиль йўллар бошқармасига бўйсунадиган, умумдавлат ва республика аҳамиятидаги йўлларга хизмат қиладиган ва фойдаланадиган Денов ва Тошкент йўл фойдаланиш бўлимлари тузилди. Вилоят миқёсидаги йўлларга хизмат қилиш учун Чирчиқ шаҳридаги вилоят йўл қурилиши бошқармасига бўйсунадиган Олмалиқ ва Ангрен ДЭУ ташкил қилинди. 1970 йилдан вилоят туманларда йўл қурилиш муҳандислар бўлими ташкил қилинди.[5]

Тошкент вилояти ҳудудларида йўл қурилиши соҳасида амалга оширилган ишлар халқ хўжалигининг ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши ҳамда иқтисодий тараққиётнинг ўсишига олиб келди. XX аср давомида йўл қурилиши соҳасида катта натижаларга эришилган бўлса-да, Совет ҳокимияти даврида чекка ўлкаларга эътибор кам бўлиб, қишлоқ ва шаҳар йўлларини замонавий технологияга асосланиб қуриш, жиҳозлаш, таъмирлаш ишлари учун маблағлар ўз вақтида ажратилмади. Фақат Марказ манфаатларига хизмат қилувчи саноат корхоналари ва пахта хом-ашёси жойлашган ҳудудларда йўл қурилишига эътибор берилиб, ушбу ишлар ҳам сифатли бажарилмади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Хўжаев С. «Ўзбекистонда автомобил транспорти». Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти. 1968.- Б.31.
2. Тошкент вилоят давлат архиви, 76-фонд, 1-рўйхат, 39-иш, 28-варақ.
3. Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. – С.237.
4. Тошкент вилояти давлат архиви, 1-фонд, 3-рўйхат, 91-иш, 32-варақ.
5. Ўзбекистоннинг социализмга ўтиши. – Ташкент: Ўзбекистон, 1972.- Б.39.

TABLE OF CONTENTS | СОДЕРЖАНИЕ

SECTION 1. ARTICLES FROM CENTRAL ASIA

1.	REPRESENTATION OF EMOTIONS IN UZBEK LINGUOCULTURE Abdiqodirova Sitara Nodir qizi	4
2.	BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA EKOLOGIK TUSHUNCHALARNI FANLAR INTEGRATSIYASI ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH Ortiqova Shoxista Abdug'ani qizi	9
3.	TA'LIM JARAYONIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK VA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARINING AHAMIYATI Bo'ranova O'g'iloy Xolboyevna	13
4.	ОБУЧЕНИЕ МЕТОДАМ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВИРТУАЛЬНЫХ ЛАБОРАТОРИЙ В ХИМИИ. Джураева Дилдора Умаржоновна	16
5.	АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ АЛГЕБРЫ И АНАЛИЗА ОБ ОДНОМ УСЛОВИИ ДИФФЕРЕНЦИРУЕМОСТИ В $\mathbb{C}^n$. Курбонова Гулбахор Фахриддиновна	20
6.	XX АСРНИНГ II ЯРМИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИДА ЙЎЛ ҚУРИЛИШИНING АҲАМИЯТИ Саидусманов Бахром Абдуганиевич	22
7.	BUXGALTERIYA HISOBI FANINI RIVOJLANISHIDA AKT NING O'RNII Turayeva Gulizahro, Mamarahimov Azizbek, Berdiqulov Samandar, Xudoyqulov Ro'zibek, Robimqulov Nurmuhammad	25
8.	CLINICAL MANIFESTATIONS OF CHRONIC DISEASES OF THE DIGESTIVE SYSTEM IN CHILDREN Nabiyeva Zumrad Tukhtaeva	27
9.	КЛИНИЧЕСКИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ХРОНИЧЕСКИХ БОЛЕЗНЕЙ ОРГАНОВ ПИЩЕВАРЕНИЯ У ДЕТЕЙ Набиева Зумрад Тухтаева	29
10.	ҚЎЛЁЗМАДА МУҲАРРИРНИНГ ФАКТЛАР БИЛАН ИШЛАШ АМАЛИЁТИ Абдюжанова Вазира Хусан қизи	31
11.	КЛИНИКО-МОРФОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ШИРОКОЙ ФАСЦИИ БЕДРА У БОЛЬНЫХ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19 Мухриддин Тухтаев	35
12.	CLINICAL AND MORPHOLOGICAL CONDITION OF THE BROAD FASCIA OF THE FEMUR IN PATIENTS WHO UNDERWENT COVID-19 Mukhridin Tukhtaev	37